



Шубҳасиз, мулойимлик не нарсада бўлса, албатта, уни зийнатлаган ва уни не нарсадан суғириб олинган бўлса, албатта, уни айблаган», дедилар

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари Оиша разияллоҳу анҳо
Пайғамбаримиздан ривоят қиладилар: «У зот: «Шубҳасиз, мулойимлик не нарсада
бўлса, албатта, уни зийнатлаган ва уни не нарсадан суғириб олинган бўлса,
албатта, уни айблаган», дедилар.

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда сўз ва феълда юмшоқ ва мулойим бўлиш ҳамда шошмаслик, ишларни янада комил ва чиройли қилишини ҳамда муҳтож бўлган нарсасига етишда энг яхши услуб эканини хабар бердилар. Мулойим бўлмаслик эса, ишларни хуник ва ноқис кўрсатади. Шунингдек муҳтож бўлган нарсасидан тўсади. Агар етса ҳам, қийинчилик билан етишади.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5796>

